

Илҳом БЕРДИЯРОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси тадқиқотчиси
e-mail: ilhombirdiyarov@gmail.com

МУЗОРАБА МОЛИЯВИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ ВА УНИНГ ШАРТЛАРИ

ФИНАНСОВОЕ ПАРТНЕРСТВО МУДАРАБА И ЕГО УСЛОВИЯ

FINANCIAL PARTNERSHIP MUDARABAH AND ITS CONDITIONS

Аннотация: Ушбу мақолада музорабанинг моҳияти, таърифи, унинг рухсат этилган фаолият эканлигига Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёсда мавжуд далиллар келтирилган. Музорабанинг шартлари 3 та гуруҳга – музораба битимити тузувчи томонлар, сармоя ва фойда билан боғлиқ шартларга ажратилган ҳолда баён этилган. Мовароуннаҳрда яшаган, ижод қилган машҳур ҳанафий фақиҳлар асарларидаги музорабага бағишланган боблар асосида маълумотлар тушунтирилган.

Калим сўзлар: музораба, музориб, роббул-мол, сармоя, фойдани тақсимлаш, зарар, вадиа, гасб.

Аннотация: В этой статье приводятся доказательства из Корана, хадисов, иджмы и кийаса, что сущность и определение музарабаха является допустимой деятельностью. Условия договора разделены на 3 группы – стороны договора, условия инвестирования и прибыль. Информация разъясняется на основе разделов, посвященных музарабе в трудах известных ханафитских юристов, живших и работавших в Мовароуннахре.

Ключевые слова: музараба, предприниматель, капиталист, капитал, доля прибыли, убытки, депозит, узурпация.

Annotation: his article presents the essence, definition of mudarabah, and the evidence of permissibility of it available in the Qur'an, hadith, ijma', and qiyas. The conditions of the mudarabah are divided into 3 groups – conditions about the parties, conditions about the capital, and conditions about profits. The information is explained based on chapters devoted to mudarabah in the works of famous Hanafi jurists who lived and worked in Movarounnahr.

Keywords: mudarabah, entrepreneur, capitalist, capital, profit ratios, losses, deposit, usurpation.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида аждодларимизнинг илмий меросини ўрганишга кенг имкониятлар яратилди. Бу жараёнда мутахассилар ва олимлар томонидан манбаларда келтирилган фикҳий масалалар, хусусан молиявий муомалаларга доир масалаларни тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади. Чунки жамиятда инсонлар орасидаги муносабатларнинг катта қисми иқтисодий-молиявий муомалалар доирасида юз беради. Мазкур муносабатларнинг ўзаро розилик, адолат ва фойдали бўлиши учун унинг асосларини чуқур англаш ва тушуниш зарурдир. Ана шундай молиявий муносабатлардан бири музораба шерикчилигидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Музораба фикҳдаги шерикчилик турларидан ҳисобланади. Бу шерикчилик битимининг иштирокчиларидан бири маблаг киритувчи-мол эгаси (Роббул-мол) ва иккинчиси эса музораба ишини бажарувчи (Музориб) деб аталади. Мол эгасини бугунги кундаги сармоядор-инвестор ва ишни бажарувчини эса тадбиркор тушунчалари билан ифодалаш мумкин.

Музорабанинг мазмунини қуйидагича изоҳлаш мумкин: музорабада мол эгаси-сармоядор ишчи-тадбиркорга тижорат қилиши учун пул-мол беради, олинган фойдага иккала томон олдиндан келишилган нисбатда шерик бўладилар. Кўрилган зарар мол эгасининг зиммасига бўлади, тадбиркорнинг зиммасига зарардан бирор нарсани қоплаш юклатилмайди, у ўз меҳнати, вақти ва қилган саъй-ҳаракати натижасини ютқизган бўлади.

“Ал-Ҳидоя” китобида музорабага “Икки тарафдан бири мол-мулк билан, иккинчиси иш-меҳнат билан шерикчилик қилиш ҳақидаги келишувдир”, деб таъриф берилган [1:419].

Абул Баракот Насафий “Канзуд дақоик” асарида музорабани “бир тарафдан мол ва бошқа тарафдан иш билан иштирок этиладиган ширкатдир”, деб таърифлаган [2:89].

Музорабанинг рухсат этилган фаолият эканлигига Қуръони каримдаги “ва бошқалари ер юзида Аллоҳнинг фазлини истаб юрадилар” (Муззаммил сураси, 20-оят) ва “намоз тугагандан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг” (Жумъа сураси, 10-оят) оятлари далил сифатида келтирилади. [3:3925] Музораба атамаси бу

оятлардаги “юрадилар” маъносини ифодалаган “дарб” (“ضرب”) феълидан олинган.

Ибн Аббос ривоят қиладилар: “Саййидимиз Аббос ибн Абдулмутталиб молни музорабага берганда музорибга, молни денгиз йўли билан олиб бормаслик, водийга олиб тушмаслик, тирик жониворни сотиб олмаслик, агар буларни қилса товон тўлаш шартларини қўярди. Бу шартлар ҳақида Расулulloҳ (с.а.в.)га хабар етиб борганда, бу ишни қилишга ижозат бердилар” [3:3925].

Бир гуруҳ саҳобалардан қилинган ривоятга кўра, улар етимнинг молини музорабага берганлар ва улардан ҳеч ким бу ишни инкор этмаган, яъни музорабани амалга оширишга ижмо қилинган.

Музораба инсонларнинг эҳтиёж бўлгани учун уни мусоқотга¹ қиёс қилинган. Жамиятда инсонларнинг баъзилари бой, баъзилари эса камбағал. Кимнидир пули бор, лекин уни ишлатиб тижорат қилиш қобилияти йўқ, айти пайтда бошқа бир кишининг пули йўқ, лекин у пулни тасарруф қилиш, яхши тижорат қилиш маҳоратига эга. Ушбу имконият ва қобилиятларни бирлаштириб икки томоннинг ҳам эҳтиёжларини қондириш, кенг кўламда эса жамият аъзоларининг манфаатларига хизмат қилиш учун музораба битими муҳим ўрин тутади.

Музорабанинг тўғри ташкил этилиши учун бир қанча шартлар бажарилиши лозим. Манбаларда берилган шартлар сони жами 7 та бўлиб, бу шартларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

1) музораба битимини тузувчи томонлар билан боғлиқ шарт (1 та);

2) сармоя билан боғлиқ шартлар (4 та);

3) фойда билан боғлиқ шартлар (2 та).

1) Музораба битимини тузувчи томонлар билан боғлиқ шартлар. Бунда сармоядор ва тадбиркор, мос равишда, вакил қилиш (таваккул) ва вакил бўлиш (вақола)га ҳақли бўлишлари шарт². Мусулмон ва зиммий³, шунингдек,

мусулмон юртида яшовчи бошқа киши ўртасида музораба битимини тузиш мумкин. Бунда мусулмон ва зиммий роббул-мол ёки музориб сифатида битимда иштирок эта олади [4:14]. Лекин, моликийларга кўра мусулмон ва зиммий орасидаги музораба битимини тузиш мақбул ҳисобланмайди [3:3932].

2) Сармоя билан боғлиқ шартлар қуйидагилардан иборат:

а) Сармоянинг нақд пул шаклида бўлиши: моддий ашёлар, кўчмас ёки кўчар мулкни сармоя сифатида киритиб музораба қилиш мумкин эмас. Имом Молик наздида сармоянинг моддий ашёлардан иборат бўлиши мумкин ҳисобланади. Ҳанафий ва ҳанбалийларга кўра, кўчар мулк ҳатто ўзаро алмашадиган хусусиятга эга бўлса ҳам уни сармоя сифатида киритиб бўлмайди. Ибн аби Лайло ва Авзойи бунга рухсат берган, улар, музораба битими тузилаётганда мулкнинг қиймати ҳисобга олинади, деган фикрга асосан шундай дейишган. Лекин жумҳур уламолар, агар сармоя кўчар ёки кўчмас мулкдан иборат бўлса бу битимда ғарар ҳолати мавжуд бўлади, дейишган. Чунки бундай музорабада фойдани тақсимлаш жараёнида ноаниқлик келиб чиқади. Яъни, мулкнинг қиймати уни ўлчаш ва баҳолаш билан аниқланади, баҳоловчиларнинг ҳисоблаб чиқарган қиймати эса бир-биридан фарқ қилади. Мазкур фарқ ва ноаниқлик низога сабаб бўлади, низо эса битимнинг фосид бўлишига олиб келади.

Агар мулк сотиладиган нарсга бўлса ва мулкнинг эгаси тадбиркорга бу мулкни нақд пулга сотиб унинг пулини музорабага ишлатгин деса, бу битим тўғри бўлади. Бу фикрни имом Абу Ҳанифа, имом Молик ва имом Аҳмад маъқуллаган ва рухсат берган. Чунки бу ерда музорабага кўчар ёки кўчмас мулк эмас, балки унинг пул шаклидаги қиймати киритилипти. Лекин, имом Шофеий бу шаклдаги битимга рухсат бермаган. Чунки музорабага киритилаётган нарсга мулкнинг қиймати бўлса ҳам, унинг айти пайтдаги қиймати ноаниқдир. Шунинг учун музорабага киритилаётган сармоя ҳам ноаниқ бўлади [3:3933].

Шунингдек, Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва имом Молик наздида олтин ва қумуш бўлақларини ҳам сармоя сифатида ишлатиб бўлмайди. Чунки уларни нақд пуд эмас, балки моддий ашё сифатида қабул қилинган. Лекин бу ерда масала кишилар ўртасидаги таомилга боғлиқ бўлади. Агар инсонлар муомалада олтин

¹ Мусоқот-шерикчиликка суғориш, боғдорчилик қилиш. Бунда ер ёки боғнинг эгаси ундаги ўсимлик ва дарахтларни суғориш ва парвариш қилиш учун ижарага олувчи-фермер ёки ишчи билан битим тузади. Битимга кўра, ҳосил йиғилганда унинг муайян қисми боғ эгасига, қолган қисми эса ишчига тақсимланади.

² Бу ўринда вакил қилиш роббул-мол томонидан бўлади, яъни у музорибни музораба ишини юритишга вакил қилади.

³ Зиммий – мусулмонлар юртида маълум тўлов, яъни жия тўлаб яшайдиган бошқа дин вакили, христиан ва яҳудийлар.

ва кумуш бўлакларини нақд пул сифатида ишлатсалар, улар билан музораба қилиш мумкин бўлади, агар муомалада пул сифатида фойдаланилмаса, улар моддий ашё ёки товар сифатида қабул қилинади ва музораба сармояси сифатида киритиш мумкин бўлмайди [4:16].

Умумий хулоса шуки, мушорака битимида сармоя сифатида ишлатиш мумкин бўлган нарсани музорабада ҳам сармоя сифатида ишлатиб бўлади, агар бошқача бўлса мумкин эмас⁴.

б) Сармоянинг миқдори маълум бўлиши: агар мажхул-номаълум бўлса музораба тўғри бўлмайди. Чунки сармоянинг ноаниқ бўлиши фойданинг ҳам ноаниқлигига олиб келади. Музорабада фойданинг аниқ бўлиши эса унинг тўғри бўлиш шарти ҳисобланади. Шу жиҳатдан сармоя миқдори ноаниқ бўлган музораба битими тузилмайди.

в) Сармоя мол эгасининг муайян қийматга эга бўлган, айти пайтда ўз қўлида бўлган моли бўлиши, қарз бўлмаслиги керак: қарзга ёки ғоиб (ҳозирда мавжуд бўлмаган) мол билан музораба тўғри бўлмайди. Мисол учун, мол эгаси зиммасида қарзи бор кишига қараб “зиммангдаги мен берган қарз билан музораба қил” дейиши мумкин эмас. Қарз билан қилинган музораба фосид бўлади. Чунки бу мол ҳозирча қарздорники ҳисобланади. Қачонки қарз берган одам уни ўз қўлига олса, ўшанда мол уники бўлади. Юқоридаги ҳолатда қўлга олиш (қабз) мавжуд эмас.

Бу ҳолатда эътибор бериш керак бўлган муҳим жиҳат шундан иборатки, тасарруф этиш вақтида молнинг мавжуд бўлиши асосий шарт ҳисобланади. Яъни унинг битим тузилаётган пайтда мавжуд бўлиши шарт қилинмайди. Шунинг учун, музорабага киритилаётган сармоя битим тузиш пайтида қарзга бериб турилган бўлиши ҳам мукин. Лекин уни музорибга топширгандан кейин музораба амалга ошаверади.

Умуман олганда қуйидаги ҳолатларда ҳам музорабани амалга ошириш тўғри бўлади:

– қарзни қўлган олгандан кейин, яъни бир инсон бошқа кишига “фалончининг зиммасидаги мен берган қарзни ол ва у билан музораба қил”, деса, музориб мол эгасининг вакили сифатида ўша қарзни олгандан сўнг музораба қилиши мумкин бўлади;

⁴ Мушоракада сармоянинг нақд пул бўлиши, мавжуд бўлиши, қарз бўлмаслиги, ғоиб (ҳозирда мавжуд эмас) бўлмаслиги шарт қилинган.

– вадиага⁵ берилган мол билан, бунда омонатга қўювчи киши омонатни сақловчи кишига “у (вадийъа) билан музораба қил” деб айтса, музораба қилиш мумкин бўлади;

– ғасб⁶ қилинган мол билан, бунда мулк эгаси ғосибга⁷ “бу мол билан фойдасини тенг иккига бўлиш шартига кўра музораба қил” деса, музораба тўғри бўлади.⁸ Бу ўринда, ғасб қилинган мол вадийъага ўхшатишган;

– муайян миқдордаги молни бериб унинг бир қисмини музорабага ишлат деса, жоиз бўлади, масалан, ўн миллион сўмни бериб, ярми қарз, ярми музораба учун деса мумкин. Худди шунингдек, молнинг бир қисмини хиба, вадийъа, бидоъа (بضاعة), қолган қисмини музорабага ишлат, деса ҳам музораба тўғри бўлади [4:18-20].

г) Сармоя ишчига топширилган бўлиши керак: музориб ишни амалга ошириши учун унга сармоя тўлалигича тақдим этилган бўлиши керак, яъни унда сармоядорнинг қўли-иштироки қолмаслиги керак. Агар музорибга топширилган молда сармоядорнинг иштироки қолиши шарт қилинса, бу музораба битими фосид бўлади. Худди шунингдек, музорабада сармоядорнинг меҳнат қилиши шарт қилинса музораба фосид бўлади. Чунки бу иккита шарт музораба битимининг мазмунига зид ҳисобланади. Аммо музориб сармоядордан музораба ишини амалга оширишда, буни музораба битимига шарт сифатида китирмасдан, ёрдам сўраши мумкин. Чунки ёрдам кўрсатиш билан музораба моли музорибнинг қўлидан чиқиб кетмайди.

Бу шартни имом Абу Ҳанифа ва у кишининг шогирдлари, имом Молик, имом Шофеий қўллаб-қувватлаган, лекин моликийлар сармоядорнинг музораба молида иштироки қолиши керак, деган шартга рухсат беришган.

Музораба битимига молнинг эгаси бўлмаган яна бир томонни киритилса, у сармоядорнинг молини музорабага олиши мумкин бўлган тоифадан бўлса ва унга музориб билан биргаликда молни тасарруф этиш шарт қилинса музораба фосид бўлмайди. Бу

⁵ Вадиа – сақлаб туриш учун омонатга бировга берилган пул, мол.

⁶ Ғасб - бировнинг мулкини эгаллаб олиш, зўрлик билан тортиб олиш.

⁷ Ғосиб - бировнинг мулкини эгаллаб олган, зўрлик билан тортиб олган киши.

⁸ Бу фикр имом Абу Юсуф ва Ҳасан ибн Зиёдага тегишли. Имом Зуфар бу ўринда музораба жоиз бўлмаслигини айтган.

ҳолатнинг мисоли худди ота ёки васий вояга етмаган боланинг молини музорабага бериб, фойданинг бир қисми эвазига музориб билан бирга ишлашларини шарт қилишга ўхшайди. Чунки улар вояга етмаган боланинг молини музорабага олишлари мумкин эди. Шунинг учун улар битимга меҳнатларини шарт қилиб киритиши мумкин бўлади. Бу ҳолатда уларнинг мақоми гўёки бегона одамдек бўлади [4:22].

Мазкур масалада фикҳ китобларида роббул-молга тегишли маъзун (савдо-сотик қилишга рухсат этилган) қулнинг музориб билан бирга ишлаши шарт қилинса музораба битимининг фосид бўлиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Чунки қул ўз эгасининг “қўли” вазифасида деб ҳисобланган. Лекин, Абу Ҳанифага кўра, агар қулнинг қарзи бўлса, музораба жоиз бўлади, чунки қул ўз қарзидан қутулиш учун топаётган бу молда қул эгасининг ҳаққи бўлмайди. Бу ўринда ҳам қулнинг ҳолати худди бегона одамдек бўлади. Агар мукотабнинг⁹ музорабада иштирок этиши шарт қилинса битим фосид бўлмайди. Албатта, қуллар билан боғлиқ ҳолатларнинг ҳам музораба битимига доир масалаларда ёритилиши ўша даврларда мазкур битимнинг жамият ҳаётига қанчалик чуқур кириб борганлигини кўрсатади.

“Бадоеъус саноеъ” китобида сармояни музорибга топшириш ҳақидаги масалалар каторида қуйидаги вазият келтирилган: агар роббул-мол бир кишига сармояни топшириб “ўз раъйинга кўра ишлат” деб буюрса ва шундан кейин биринчи музориб мазкур сармояни бошқа бир кишига-иккинчи музорибга бериб, музорибнинг ёки роббул-молнинг у билан бирга ишлашини шарт қилса, музораба фосид бўлади. Чунки иккинчи музорабада биринчи музориб роббул-мол мақомида бўлади ва бу ҳолатда сармояни музорибга тўлиқ топшириш жараёни амалга ошмайди.

Шунингдек, музориб қабул қилиб олган сармояни роббул-молнинг ўзига музораба учун берса иккинчи музораба фосид бўлади, биринчиси ўз кучида қолади [4:23]. Бу фикр имом Абу Ҳанифа, имом Муҳаммад ва имом Абу Юсуфга тегишлидир, лекин имом Зуфарнинг наздида сармояни роббул-молга қайтариш билан биринчи музораба ҳам бузилади.

3) Музорабадан олинган фойдага тегишли шартлар қуйидагилар:

а) фойданинг миқдори маълум бўлиши керак, чунки битимдан кўзланган асосий мақсад фойда эди, ундан роббул-мол ва музорибнинг оладиган улушлари номаълум бўлса бу битим бузилишига олиб келади.

Фойда миқдори билан боғлиқ шартлар масаласида ҳанафийлар қуйидаги жиҳатларни алоҳида таъкидлашган:

– агар битим тузишда фойда миқдорининг ноақлигига олиб келадиган шарт қўйилса, музораба битими фосид бўлади;

– агар қўйилган шарт фойда миқдорининг ноаниқлигига олиб келмаса-да, лекин музорабанинг мазмунига зид бўлса, унда ўша шартнинг ўзи бекор қилинади ва музораба тўғри бўлиб қолаверади, масалан, роббул-мол “зарар музорибнинг зиммасида ёки иккаламининг зиммамизда бўлади” деган шарт қўйса, бу шарт бекор қилинади ва битим амалга ошаверади, чунки музорабада кўрилган зарар тўлиқ роббул-молнинг зиммасида бўлади;

– агар қўйилган шарт фойда миқдорининг ноаниқлигига олиб келмаса-да, лекин музорабага бевосита алоқадор бўлмаса, унда ўша шартнинг ўзи бекор қилинади ва музораба тўғри бўлиб қолаверади, масалан, бир киши бошқасига муайян миқдорда пул бериб, фойдаси тенг бўлинади деса ва қўшимча равишда роббул-мол музорибга ерини бериб унда бир йил музораа қилиш ёки уйини бериб унда бир йил яшаши шартини ҳам қўйса, бу шарт бекор қилинади, музораба битими эса тўғри бўлаверади. Агар вазият бунинг тескараси бўлса, яъни музорибга ўз ерини роббул-молга музораага бериш ёки уйини роббул-молга яшаши учун бериш шarti қўшимча равишда киритилса, музораба фосид бўлади. Чунки музорибнинг фойдадаги ҳиссаси ишлаган иши ва ер ёки уйнинг ижараси орқали қопланадиган бўлди. Натижада, музорибнинг оладиган улуши ноаниқ бўлиб қолади.

Агар фойданинг барчаси роббул-молга берилади, музориб текинга ишлаб беради, деган шарт қўйилса, бу битим музораба бўлмайди, бу “мубозаа” (“مباذعة”) бўлади¹⁰.

Юқоридаги шартнинг акси, яъни фойданинг барчаси музорибга берилади, деган шарт қўйилса, ҳанафийлар ва ҳанбалийлар наздида бу қарз битими бўлади. Шофеийларга кўра эса бу фосид музораба бўлади ва музорибга ишлаган ишига яраша ҳақ берилади. Агар фойдадаги улуш миқдорини белгилаш фақат музорибнинг

⁹ Мукотаб – ҳўжаси билан муайян тўлов эвазига озод бўлиши учун шартнома тузган қул.

¹⁰ Мубозаа- бир кишини ҳақи тўланмайдиган шаклда савдо ишини юритишга вакил қилиш.

ваколатида бўлади деб шарт қўйилса, бу шарт фосид бўлади, эътиборга олинмайди.

Музораба шартларидаги ҳолатлардан бири шундаки, ханафийларга кўра, агар фойда муайян бир миқдор (масалан, эллик миллион сўм)дан ошса роббул-мол ва музорибнинг бирига саналган, маълум миқдор (масалан, ўттиз миллион сўм) ни бериш мумкин. Чунки бу шарт фойданинг ноаниқ бўлишига олиб келмайди [5:94]. Бу ерда музорибни ишга шижоатлантириш, уни яхши бажаришга ундаш назарда тутилади, музорабанинг асосий фойдасига дахл қилинмайди. Бу ҳозирги кундаги пул шаклидаги рағбат (бонус) тизимини ифодалайди.

Моликийлар музорибга фойданинг барчасини бериш шартига рухсат беришган. Уларнинг фикрига кўра, музорабада роббул-молга, музорибга ёки улардан бошқа кишига фойданинг ҳаммасини беришни шарт қилиш жоиз бўлади, чунки бу иш табарруъга¹¹ киради.

б) фойда икки томон учун қисмларга бўлиб тақсимланган бўлиши керак, яъни фойда фоиз ёки улуш кўринишида тақсимланиши лозим. Бу ерда улуш (масалан фойданинг учдан икки қисми ёки тўртдан уч қисми) ёки фоиз (масалан фойданинг қирқ фоизи ёки олтмиш фоизи) назарда тутилади. Яъни музораба фойдасини томонлар олдиндан ўзаро келишиб, масалан, роббул-молга фойданинг учдан икки қисми, музорибга учдан бир қисми ёки роббул-молга фойданинг олтмиш фоизи ва музорибга қирқ фоизи тарзида, миқдорларни аниқ қилиб тақсимланиши керак.

Фойдани тақсимлашда томонлар бирор мутлоқ миқдорни тайин қилишса, масалан бир томонга фойдадан юз минг, ёки ундан кўп, ёки кам, иккинчи томонга фойданинг қолгани берилади, деб шарт қўйилса, бу шарт тўғри бўлмайди ва музораба фосид бўлади. Чунки музораба фойдада шерик бўлишни назарда тутди. Бу шарт эса, музорабанинг фойдаси қайд қилинган миқдордан иборат бўлиб қолиши, ҳатто ундан ҳам кам бўлиши эҳтимоли борлиги учун, фойдада шерик бўлиш имкониятини чеклайди. Натижада шерикчилик амалга ошмай қолади ва бу фаолият музораба ҳисобланмайди.

Агар музорибга мазкур музорабдан бошқа тижорат фаолиятидан фойда берилиши шарт қилинса бу музораба битими жоиз бўлмайди. Лекин моликийлар наздида, агар томонлар иш

яқунлангандан сўнг ўзаро розилик асосида исталган миқдордаги ҳақни тўлаши мумкин [3:3940].

Фойда тақсимоти борасида имом Муҳаммад, агар роббул-мол музорибга “сенга фойданинг учдан бирини ва музорабада ишлаганинг учун ҳар ойда ўн дирҳам бераман” деса, фақатгина фойдадан учдан бир қисмини бериш шarti билан музораба тўғри бўлади, ўн дирҳам бериш ҳақидаги шарт эса ботил бўлади, деган.

Фойдани тақсимлаш борасидаги шартларни умумлаштирган ҳолда Ибн Мунзир “биз билган олимларнинг барчаси ижмо қилганки, томонларнинг бирига ёки иккаласига мутлоқ миқдордаги пул беришни шарт қилинганда музораба ботил бўлади” деб айтган.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

- музораба битими тўғри бўлиши учун унинг шартларининг пухта ўрганиш, мазмунини чуқур англаш лозим;

- бунда юртимиздан етишиб чиққан ва бу диёрда ижод қилган олимларнинг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади;

- ҳозирда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кенг имконият берилаётган бир пайтда музораба битими каби кенг қамровли қоидаларга эга шерикчилик туридан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга;

- юртимизни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий сармояни жалб этишда музораба шерикчилигидан самарали фойдаланиш мумкин.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Имом Али ибн Аби Бакр ал-Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳу бидоятил мубтадий. – Ж. 5. – Мадинаи Мунаввара: Дор ас-Сирож, 2019. – Б. 419.
2. Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий. Канз ад-дақоик. – Ж. 3. – Қарачи: Бушро, 2010. – Б. 89.
3. Доктор Ваҳба Зухайлий. Ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатуҳ. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1985. – Ж. 5. – Б. 3925.
4. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний. Бадои ас-санои фи тартиб аш-шарои. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 1426/2005. – Ж. 8. – Б. 14.
5. Али Хафиф. Аш-Шарикот фи-л-фикҳ ал-исломий: бухус муқорана. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 2009. – Б. 94.

¹¹ Табарруъ-ихтирий, эваз талаб қилинмайдиган хайр-эхсон.